


Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Кутилмаганда ҳаво айниб, кун чиқар томондан тўзон кўтарилди. Султанонобод чўлида дехкончилик қилаётган кишилар қалбига гулгула тушди. Ғўза ниҳоллари эндигина бир текис унган эди. Табиат шундай нағма кўрсатиб турса, экинлар кум-тупроқ остида қолиши тайин. Азим ака кишиларга далда бериб, ҳар қандай тасодифга тайёр туришни таъкидлади. Бахтларига кўп ўтмай шамол булутларни суриб, кўёш қайта жамол кўрсатди. Дехкон елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.



Ўша йили чўл фидойилари бир тану бир жон бўлиб, меҳнат қилдилар. Ҳар бир ниҳол қалб кўри, меҳр зиёси билан парвариланди. Ҳал қилувчи дамларда хўжалик раҳбари, моҳир ташкилотчи Азим Латиповнинг қатъиятлиги, ташкилотчилиги муҳим рол ўйнади. Султанонобод чўлида илк бор пахтадан мўл ҳосил етиш-

килиш қийин эмас. Иложи борича кўпроқ дехқонлар орасида бўлдим. Ширинсўз, шахсий ибрат билан кўпни олға ундадим. Ҳар бир тадбирни амалга оширишда мутахассислар, тадбиркорларга суюндим. Вақт ўтиши билан хўжалик юксалса борди. Ҳар гектар ердан 50 центнердан дон, 35 центнердан пахта етиштириб, барчани қувонтир-

либ, улар намунали жихозланди. Шунингдек, тиббий пункт, болалар боғчалари, маданий-маиший, савдо хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. 80 оила

Чўл - фидойилар маскани

тирилди. Муҳими, одамлар бу ерларнинг келажиги борлигига, 5-6 йил ичида чўлда пахтазорлар, боғ-роғлар яратиши мумкинлигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Шинан дала шийпонидан раис билан суҳбатлашамиз. Унинг гап-сўзлари босик, самимий, дехқонча. Ютуқлар ҳақида сўрасак, ширкат аъзолари, пудратчиларнинг фазилатлари хусусида ҳикоя қилади.

дик. Соф фойда 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Дехқон чўнтаги пул кўрди, рўзгорига барака кирди.

Чўл ўз даргалари билан жозибали. Мансур Султанонов ҳақида фахр билан гапиряди. У бош пудратчи бўлган жамоа бултур гектаридан 60 центнердан галла, 35 центнердан пахта ҳосили олишга эришди. Галлачиликнинг ўзидан 1 миллион 150 минг сўм, пахтачиликдан эса 1 миллион 500 минг сўм даромад қилди. Бунинг замирида фидойилик, касбкорга садоқат ётади. Моҳир пахтакорнинг бу йилги нияти янада юксак. Бундай илик гапларни Патхиддин Худойбердиев, Хайрулла Жўраев каби уста дехқонлар шаънига ҳам айтиш мумкин. Пудратчилар топширган ҳосил учун белгиланган миқдорда ўсимлик ёғи, кунжара, шелуха олдилар. Бу чорва молларини кўпайтириш, ички имкониятларни ишга солиш имконини берди.

Хўжалик раҳбарининг бир фазилатини чўлликлар алоҳида қадрлашади. У сўз берса, албатта ваъдаси урдасидан чиқади. Йиғилишларнинг бирида дала шийпонлари ҳақида гап борди. Шунда Азимжон Латипов махсус бригадалар тузиб, дехқон оромгоҳларини барпо этишга киришди. Кўп ўтмай 12 та шийпон қури-

яшайдиган марказий кўрғон кишлоққа ўзига хос жозиб бахш этган. Раис ёшлар ҳақида алоҳида қайғуради. Улар учун 25 та янги уй-жой қурди. Чўл бағридан 200 гектар ер ўзлаштириб, дастурхон тўкин бўлсин деб экинзорлар барпо этди.

Азимжон ака эрта тонгда бир ўзи дала кезишни ёқтиради. Лўппилўппи бўлиб очилган оппоқ пахталар, олтин ранг узумлар, нақшин олма-лар куз хосияти келганидан далолат. Пахта йиғим-терими кун сайин қизимоқда. Инсон ниятини яхши қилиб, кўпга суюниб ҳалол тер тўкса, кам бўлмайди, деган пурҳикмат сўзларнинг нақадар тўғрилигини раис ҳамқишлоқлари, ўз хаёти мисолида кўриб турибди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлиш зиммасига улкан масъулият юклаганлигини ҳам чуқур ҳис этмоқда. Хали қиладиган ишлар кўп. Чўл даргаси шу сўзларни хаёлидан ўтказар экан, кўтаринки кайфиятда дур йиғиштираётган теримчилар томон бурилди. Муҳими, одамларнинг кайфияти, шашти баланд...

Иззат ҲИҚМАТ, Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Касби туман маркази Мўғлон кишлоғида сўнги йилларда қувончли ўзгаришлар рўй берди. Сўлим ғўшалар, хиёбонлар барпо этилди. Эндиликда оталар чойхонаси табаррук инсонлар мириқиб дам оладиган, турли тадбирлар ўтказиладиган жойга айланди. Куни кеча бу ерда кексалар тадбиркор Соҳиба Азизова ташаббуси билан бир пилла чойга таклиф этилдилар. «Зайнаб» дехқон хўжалиги ноз-неъматлари дастурхонга тортилди. Сархил маҳсулотлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам тақдим этилди.

Касби туман маркази Мўғлон кишлоғида сўнги йилларда қувончли ўзгаришлар рўй берди. Сўлим ғўшалар, хиёбонлар барпо этилди. Эндиликда оталар чойхонаси табаррук инсонлар мириқиб дам оладиган, турли тадбирлар ўтказиладиган жойга айланди. Куни кеча бу ерда кексалар тадбиркор Соҳиба Азизова ташаббуси билан бир пилла чойга таклиф этилдилар. «Зайнаб» дехқон хўжалиги ноз-неъматлари дастурхонга тортилди. Сархил маҳсулотлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам тақдим этилди.

«Мўғлон» кишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган қизиқарли тадбирда отахону-онахонлар фақат мустақилликка

эришилганидан кейингина мамлакатимизда меҳнаткаш инсон юксак кадр топганини, давлатимиз

ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор бераётганини мамнуният билан гапирдилар.



Хушовоз хонанда ва соҳнада дарнинг қуй ва кўшиқлари кўнгилларга ҳузур бағишлади. Мазкур туманда 57 нафар юз ёшдан ошган кекса умргуздорлик қилади. Улар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Нарзи мома Раҳматова, Халил бобо Файзуллаев, Очил ота Ражабов каби табаррук инсонлар ҳамон ўзларини сафда деб билиб, ёшларга одамлиқдан сабоқ бермоқдалар. Уларни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга даъват этмоқдалар.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Суратда: Моҳир ташкилотчилар Зиёдилла ота Арабов (ўнгда) «Нуроний» жамғармаси тумани бўлими раиси Чўри Жўраев билан ўзаро мулоқотда.

Шартнома мажбуриятлари қандай бажарилмоқда?

БЎЛИМ ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Хоразм вилоят «Кишлоқхўжаликим» бирлашмаси ва унинг шаҳар ва туман филиалларида минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан ширкат, фермер хўжалиқлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Бирлашманинг жами 11 та туман филиали ва 1 та заҳира базасидаги 1381 та шартнома ўрганиб чиқилди.

М.Шарипов номидан шартномалар имзоланган. Лекин улар ваколати бўлмаган мудир муовини Д.Шарипов томонидан расмийлаштирилган.

Таъкидлаш жоиз, тегишли ҳужжатнинг мулкий жавобгарлик қисмида «Шартномаларнинг шартларини бажармасликдан келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар ва томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»-ги қонуни билан тартибга солинади» деб кўрсатилган. Унинг 6.2 бандида «агар истезмолчи олган маҳсулоти учун вақтида пул ўтказмаса, 15 фоиз жарима, 0,4 фоиз пеня тўлаши кўрсатилган. Лекин таъминотчининг маҳсулот етказиб бермаган ҳолатидаги жавобгарлиги тақидланмаган.

Шунга кўра «Қаландар» фермер хўжалигига етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда, яъни 156 минг 450 сўм пеня ҳамда 100 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилди ва у тўлиқ қаноатлантирилди.

Текшириш якунлари бўйича қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларни такрорламаслик чораларини кўриш юзасидан тақдимнома киритилди. 3 нафар мансабдор шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шухрат УРАЗМЕТОВ, Хоразм вилоят адлия бошқармасининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи.

Бирлашманинг Питнак шаҳар филиали томонидан 2002 йил ҳосили учун минерал ўғит етказиб бериш бўйича 262 миллион 321 минг сўмлик шартномалар тузилган. Бу ерда ҳуқуқшунос фаолият кўрсатаётган бўлса-да, меъёрий ҳужжатларнинг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмаган. Уларнинг биронтасида ҳуқуқшунос имзоси ва хулосаси йўқ.

Шу йил ҳосили учун кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғит етказиб бериш бўйича «Амударё», «Хўжа», «Мадамна бува», «Ҳожи ота» ва бошқа фермер хўжалиқлари билан филиал мудир

ишларини тадбиркор иш билан таъминлади. Меҳнат бозоридан тенг шароитда рақобатлашиш бўлимига 1189 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган бўлиб, улардан 881 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

Ярим йилликда меҳнат бўлимига 1189 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган бўлиб, улардан 881 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

Меҳнат бозоридан тенг шароитда рақобатлашиш бўлимига 1189 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган бўлиб, улардан 881 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ СЎЛИМ ҒЎШАСИ

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллик тўйини самарқандликлар ҳам кўтаринки руҳда қутиб олдилар.

Кўҳна шаҳарнинг сўлим ғўшаларида ташкил этилган байрам шодийналарни, карнай сурнай садоси тоңдан барчани истиқлол тантаналарига чорлади. Байрамона безатилган шаҳар куй-қўшиқлар жарангига чўмди. Темир йўл туманида ёшларнинг никоҳ тантаналарини ўтказишга мўлжалланган «Панжоб» бахт уйи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, туманнинг Беруний кўчасида ўн мингдан ортиқ аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлайдиган ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди. Айтиш жоизки, Самарқандда жорий йилда йўл қурилиши ва таъмирлинишга алоҳида эътибор берилмоқда. Йўловчилар учун бир неча йил муаммо бўлиб келаётган Рудакий кўчасидаги кўприк йўлсозлар томонидан қайта қурилиб фойдаланишга топширилди. Байрам тадбири «Мўъжиза» амфитеатрида давом этди.

«Туркистон-пресс».

Оқшом кўниши билан балиқчиликлар дам олиш соатларини туман марказидаги хотира майдонида ўтказишни хуш кўрадилар. Хиёбон олдига-дек хордиқ чиқарувчилар билан гавжум. Уртадаги кўркам фавворадан отилаётган дурдона томчи-лар, охишта таралаётган ёқимли мусиқа оҳанглари, келинчақдек бош эгиб турган ям-шил мажнунтоллар — бари кўшилиб сайр қилувчиларга сокинлик ва ором бағишлайди.

Шу пайт маданият уйи мажмуига қарашли бино деворида улкан экран пайдо бўлади. Аён бўлишича, хиёбонда катталаштирилган экран томошасини ташкил қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни маҳаллий ишбилармон Акрамжон Саримсоқов ўз зиммасига олган экан.

Жамоат жойларида катталаштирилган экран томошасининг ташкил қилиниши ишнинг бошланиши, — дейди туман ҳокими ўринбосари Анваржон Сайдоқосимов. — Ҳозир 3 та маҳаллада мулкдорларимизнинг ердани билан ана шундай катталаштирилган экран орқали томошалар кўрсатилмоқда. Натижада тунлари санқиб юрадиган, назоратсиз ёшлар бир жойга йиғилиб хордиқ чиқаряптилар. Туман маънавият ва маърифат маркази хузурида эса 6 нафар кўшидан иборат жамоатчилик гуруҳи ишлаб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, «Соғлом авлод» давлат Дастурида ўртага қўйилган вазифалар ижросини

қалари, халқ сайиллари ташкил этилмоқда. Туман агросоат мажмуи ходимлари қўмитаси раисаси Матлубахон Халилованинг айтишича, байрам кунларида кенг қўламда хайрия тадбирлари ўтказилади. Боқув-

бермоқда. Шунингдек, болалар боғчаларига ҳам ҳомийлик кўрсатмоқда. Ўқимай, ишламай юрган 10 нафарга яқин кишлоқ йигит-қизларини тадбиркор иш билан таъминлади.

Мехнат бозоридан тенг шароитда рақобатлашиш бўлимига 1189 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган бўлиб, улардан 881 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди.

МУКОФОТГА — «ДАМАС»

Бухоро автомобил йўллар бошқармаси бригадири Қаҳҳор Жумаевни ҳамкасблари, таниш-билишлари қўшалоқ шодийна: истиқлол айёми ва «Дамас» автомашинаси билан қутлашмоқда. Қаҳҳор ака автомобилни харид қилгани йўқ, балки мамлакат автомобил йўллар қуриш ва фойдаланиш тизимига ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллагани учун унинг бригадаси «Дамас» билан мукофотланди.

Йўл ҳамшира, айниқса, фавқулодда ҳолатлар - сел, тошқин содир бўлганда ва ямалак пайтида ҳам сўз бўлиши, транспорт қатновидида муаммолар туғилмаслиги керак. Бу нарса, аввало, нуқсонларни шошилинч бартараф этадиган тезкор йўл бригадасига боғлиқ. Бу борада Қаҳҳор Жумаев етакчилигидаги жамоанинг иши ибратли. Жамоа йўлдаги муаммоларни кечиктирмай, пухта, сифатли ҳал этиши боис, вилоят кўриктанловидида голиб чиққан эди. Бригада иш фаолияти билан яқиндан танишган республика танлови ҳакамлар ҳайъати «Энг тезкор йўл бригадаси» йўналишида Қаҳҳор Жумаевни биринчи ўринга лоийқ топди.

Собиржон РЎЗМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

Балиқчида ижобий ҳал этилмоқда

таъминлаш юзасидан гуруҳ ибратли ишларни амалга оширяпти. Балиқчи, Сиза, Чинобод кишлоқ фуқаролар йиғинларида «Гибъандлик аср вабоси», «Ўз уйини ўзини асра», «Оила Ватан кўрғони», «Ёшларнинг ҳуқуқи ва бурчлари» мавзусида суҳбат, кеча, учрашувлар ташкил этилди.

Туман аҳли мустақиллигимизнинг 11 йиллик муносиби нишонлаш бўйича ташкилий-тарбиявий, маданий-оқартув ишларини жонлантириш режасини ишлаб чиқди. Ҳокимлик марказининг байрамолди ташаббусини маъқуллади. Жамоат жойларида меҳнат ва уруш фахрийлари, ҳуқуқ-тартиб ходимлари, маорифчилар, ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари уюштиряпти. Бунда мустақиллик йилларида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, туманнинг, халқ хўжалигида эришган ютуқлари, хуллас истиқлол шарофати ва унинг аҳамияти ҳақида баъдий қишлар, спорт мусоба-

қалари, халқ сайиллари ташкил этилмоқда. Туман агросоат мажмуи ходимлари қўмитаси раисаси Матлубахон Халилованинг айтишича, байрам кунларида кенг қўламда хайрия тадбирлари ўтказилади. Боқув-

бермоқда. Шунингдек, болалар боғчаларига ҳам ҳомийлик кўрсатмоқда. Ўқимай, ишламай юрган 10 нафарга яқин кишлоқ йигит-қизларини тадбиркор иш билан таъминлади.

Тажриба, ташаббус

«Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» чақириги остида вилоят ҳокимлиги қарори билан бошланган кўрик-танлов эса туманда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари аҳолининг кам таъминланган тоифаларини қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш юмушлари билан уйғун ҳолда олиб боришмоқда. «Оқ тулпор» чойхонаси маҳаллий ишбилармон Шаҳобиддин Хожибоевнинг шахсий жамғармаси ҳисобидан бунёд этилди. Мулкдор маҳалласидаги боқувчисини йўқотган қарияларга, етим-есирларга ўзига қарашли савдо шохобчалари орқали бозордагидан анча арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб

шарафига кишлоқда «Уч соҳил» оромгоҳининг ишга туширилиши болалар учун айна мудоаа бўлди. Кичкинтойларнинг яйраб-яшнаб дам олишлари учун бу ерда зарур

га қодир бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга туман ҳокимлиги, меҳнат бўлими астойдил киришган. Шу йили феврал ойда «Меҳнат ярмаркаси» ўтказилди. Унда 30 га яқин ташкилот бўш иш ўринларини таклиф этди. «Бир кишига қирқ хунар ҳам оз», дейди халқимиз. Қўли гул, малакали, иқтидорли хунармандлар доим эъозда. Шу кунгек нотўқима материаллар корхонаси, машина-трактор парки, йўл қурилиши идораларига ана шундай ёшлардан 27 нафари ишга жойланди.

Ишсизликка барҳам бериш, янги иш ўринлари яратишда ишбилармонлик гоят қўл келмоқда. Бу иқтисодий эркинлаштиришнинг шарофатидир. Бугунги кунда туманда 361 нафар юридик шахс мақомига эга, 917 нафар яқин тартибда иш кўраётган мулкдор фаолият кўрсатмоқда. Кичик ва ўрта бизнес намоёндаларига банк хизмати яхши ташкил этилган. Тадбиркорларга шу кеча-кундузда 4 та

Маънавият ва маърифат бешиги, «Мадинат ур-рижол» («Мардлар шаҳри») — Термизда туғилиб, қамолга етган улуг зотлардан бири Шаҳобиддин Собир ибн Исмоил Термизийдир.

Адиб Собир Султон Санжар саройининг етакчи шоири бўлиш билан бирга, салжукийлар салтанатининг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Давлатшоҳ Самарқандий: «Собир Султон Санжар ва унинг арқони давлати олдида азиз ва муҳтарам эди», - деб ёзди. 1143 йили Султон Санжар ўз салтанатига қарши қайфиятда бўлган хоразмшоҳ Мухаммад Отсизнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб туриш учун уни Хоразмга элчи қилиб юборди. Элчи-шоир бу икки ҳукмдорнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш, улар ўртасида тинчлик-товулини сақлашда муҳимрол ўйнаган. Лекин хоразмшоҳнинг хоинона режаларига ҳалақит бергани учун 1147 йили у жосуликда айбланиб, Амударёга қўқтилган. Узининг шахид бўлишини олдиндан кўнгли сўзган Адиб

Собир Отсизга йўллаган шеърларидан бирида уни

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ

ёвуз ниятидан воз кечишга даъват қилган эди:
Не, макун, шохо, дарёб,
ки гар кушта шавам,
Барнаёйд ҳама олам ба
бахои кафанам.
Мазмуни: «Эй шоҳ, эҳтиёт бўл ва ўйлаб иш тутки, агарда мен ўлдирилсам, кафаним баҳосига жумла олам етмайди!».
Маълумки, Шарқда фасоҳат ва балогатда юксак мақомга эришган сўз усталаригагина «адиб» унвони берилган. Зеро, Адиб Собир каби гўзал ва ҳассос шоир адабиётимиз тарихида жуда оз ўтган. У ҳақда фикр билдирган илму адаб аҳли як-

диллик билан шоир газалларининг тили ширин ва услуби мавзун эканлигини таъкидлайдилар. Чунончи, Мухаммад Авфий «балоғат сипоҳининг шоҳи ва маҳорат тахтининг амири», деб

дафтари экан», - дейди.
Адиб Собир улкан девон соҳиби бўлса-да, у бизгача тўла етиб келмаган. Адабиётшунос Аҳмад Абдуллоевнинг гувоҳлик беришича, хозиргача шоир асарларини ўз ичига олган 4 та девон маълум — улар Англиядаги Индия Офиси кутубхонаси, Британия музейи, Озарбайжон ФА қўлэмалар фонди ва Тожикистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади.
Адиб Собир нафақат форсийда, балки арабийда ҳам қалам тебратганлиги ҳақида замондошлари маълумот берганлар. Рашиддин Ватвот уни назмдагина эмас, насрда ҳам устоз эканлигини таъкидлайди. Афсуски, шоирнинг арабий ва насрий асарлари ҳалигача топилган эмас.
Ўзбек тилига Адиб Со-

Мерос
бирнинг 38 тагаззул, 55 газал, 48 қитъа, 68 рубоийси ва таркиббандларидан намуналар (303 байт) таржима қилинган бўлиб, шоирнинг рубоийларидан бошқа барча шеърларини Чустий ўзбеклаштирган. Лекин яна қанчадан-қанча асарлар ўз таржимонини кутиб турибди.
Хулоса қилиб айтганда, Адиб Собир Термизий девонининг мукамал ва ишончли қўлэмалар нусхаларини излаб топши, уларни юқори савияда таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига етказиш, шоир ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамон адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Адиб Собир Термизий каби етук ва дилбар шоир ўзбек адабиётини ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши керак.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

АФСОНАЛАР ВОДИЙСИ
Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида республикамиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган шу номдаги анъанавий кўргазма бўлиб ўтмоқда. Бадиий кўргазмалар дирекциясининг ижодий гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган дастур ҳар йили томошабинларни юртимизнинг ҳар бир минтақаси маданияти ва санъати билан таништиришга қаратилган кўргазмалар уюштиришни ўз ичига олади.
Бу галги кўргазмада республикамизнинг энг жанубий минтақаларидан бири бўлган Сурхондарёнинг санъати намойиш этилган. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти коллекциясидаги Айритом, Далварзин тепа, Холчаён, Кампир тепа, Бударча ва бошқа нодир археологик ёдгорликлар шулар қаторидандир. Улар бу афсонавий юртининг қадимий ва ўрта аср санъати ҳақида ҳикоя қилади.
Бу ерда рангтаъвир, графика ҳамда ҳайкалтарошлик асарларидан, Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Владимир Бурмакин, Григорий Зилберман, Акмал Икромжонов, Собир Раҳмонов суратларидан, сурхондарёлик Азамат Хотамовнинг ҳайкалтарошлик ва мўйқалам асарлари, Уста Зухуровнинг сопол буюмлари, шунингдек Сурхондарё чеварларининг мислсиз ишларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Шунингдек, республикада машҳур фоторақомлар В.Жирнов, К.Минаяченок, Р.Яруллин ва Т.Қўзиёвнинг бу ўлка ҳаёти, табиати ҳамда урф-одатлари ҳақидаги фотосуратлари томошабинларни лоқайд қолдирмайди.

(ЎЗА).

Ўзбек футболининг 90 йиллиги олдидан

Футбол ишқибозлари Абдурамовлар сулоласини яхши билишадими. Утган асрнинг 60-70-йилларида ака-ука Дмитрий, Михаил ва Иннокентий Анлар ҳам ўзларининг ёрқин истеъдодлари, захматкашликлари билан Ўзбек футболни ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Спорт журналисти Дилшод Исроилов яқинда футбол мавзусида баракали калам тебратувчи Владимир Сафа-

ройнинг «Ака-ука Анлар футболни» китобини ўзбек тилига таржима қилди. **Хозир ушбу китоб нашрга тайёрланмоқда. Куйида биз ўзбек футболининг ёрқин юлдузи, «Пахтакор»нинг собиқ сардори ва моҳир «конструктори», 1979-йилги машъум авиация ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган Михаил Анга бағишланган бобларни бироз қисқартирилган ҳолда эълон қилмоқдамиз.**

ўйнай бошлаганида мен Наманганда тўп сурардим, бироқ биз танишган пайтимишдан бошлаб жуда иноқ дўст эдик. Йигиларга борарканмиз, бизларни доимо бирга жойлаштиришарди. Ҳамон ёдимда, футболдаги йўлларимиз акралаиб кетганида у жуда куюнганди. Шуни биламан-

Кураш БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАСИЗ КЕЧДИ

Ереван, 2 сентябрь. (ЎЗА мухбирлари Озод Ражабов ва Зоҳир Тошқужаев). Кураш бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларининг иккинчи куни энг қизгин баҳслар эркалар ва аёллар ўртасидаги мулқаз вази тоифаси вакиллари ўртасида кечди. Аёллар беллашувидида туркияликлар устун келди. Кейинги ўринларни Арманистон, Жанубий Африка Республикаси ва Чили курашчилари эгаллади.
Мулқаз вазидаги эрка полвонлар ўртасида Туркия ва Бразилия курашчиларига тенг келадигани топилмади. Вази 73 қилорагача бўлган полвонлар баҳсида грузиялик вакилнинг қўли баланд келди.

РАКЕТА МОДЕЛЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Бухоро вилоятидаги Қуйи Мозор сув омбори ёнидаги гўзал гўшада ракета модели спорти бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Улар бу ерда «Ватанпарвар» Мудофага кўмаклашувчи ташкилот Марказий Кенгашининг спорт мусобақалари режасига мувофиқ ўтказилди.
Еттига вилоят ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ҳамда Техникавий ва амалий спорт турлари республика маркази вакиллари билан бўлган эллик нафар спортчи галаба учун баҳс олиб борди. Улар турли модификациядаги саккиз турдаги моделлар билан иштирок этди.
Бухоро вакиллари яхши натижалар кўрсатиб, Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Жамоа етакчилари спорт устаси Алексей Сафин ва спорт усталарида номзод Нодир Назимов моделларнинг ўз турларида республика чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни Самарқанд вилояти жамоаси эгаллади, учинчи ўрин эса фарғоналик спортчиларга насиб этди. Моделларнинг ўз турларида тошкентлик А.Жонқужаев, А.Понятов, Г.Каланов ҳамда Сирдарё вилояти вакиллари К.Балахонов ва И.Иброҳимов голиб деб топилди. Уларнинг ҳаммасига «Ватанпарвар»нинг қимматли совғалари ва дипломлари топширилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланган 1 сентябрь куни Японияда биринчи ўзбек таомлари ресторани - «Silkroad» («Илак йўли») театр-ресторани очилди.

ЯПОНИЯДА МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИМИЗ РЕСТОРАНИ

«Silkroad Uzbekistan Japan Inc.»дан хабар беришларича, ресторан катталиги бўйича Япониянинг иккинчи шаҳри ҳамда Япония иқтисодида юраги бўлиши - Осаканинг қоқ марказида жойлашган.
Ресторан ўзбек дизайнлари томонидан миллий руҳда безатилган. Унда кўпгина халқ ижодиёти буюмлари, суратлар намойиш этилган, миллий мусика янграб туради.
Ресторан меҳмонлари нафақат анъанавий ўзбек таомларидан тановул қилиши, балки Ўзбекистондан келган рақс гуруҳи ижросидаги умумтоз шарқона рақсларни томоша қилиши мумкин.
«Silkroad» ресторани япон халқига Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради ва икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга ҳисса қўшади, бу муносабатлар илдизлари қадим тарихга бориб тақалади.
(Давоми бор).

МИХАИЛ АН



хайрлашув онларида Е.Лядин, - у келажакда футбол «профессори» бўлади.
Ушбу лаҳзаларда мен саҳий заминимиз шундай иқтидорларни вояга етказиб берганидан жуда фахрландим.
Мишанинг катта акаси Дмитрий Аннинг эслашича, кейинчалик Москвадан ушбу мазмундаги шоялиночма келди: «ЕШ АННИ ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИГА ЮБОРИНГ НУҚТА»

ИЛК ҚАДАМЛАР

Шуни таъкидлаш керакки, Михаилнинг маҳорат ва хурмат қозониш пиллаволари бўйича илгариллаш одимлари текис ва аниқ бўлганди, ўз ҳаёт йўлини болалар жамоасидан бошлаган Ан келажакда Европа чемпиони даражасига етди.
Хозирда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида фаолият кўрсатаётган Виктор Жалилов ёшлик даврларини қуйидагича эслади:
«Мен Миша Ан билан у 1996 йилда спорт интернатига келган пайтида танишгандим. У билан мени бир неча бор собиқ иттифок ўсмирлар терма жамоасига таклиф этишганди. Мураббий Е.Лядин номзодларни кўриб чиқар экан, терма жамоа яратувчилик руҳига эга ўйинчиға муҳтожлик сезганлиги ва Миша бошқалардан кўра кўпроқ ушбу ўринга тўри келганлиги учун уни танлаб олди.
Кейинчалик, Михаил «Пахтакор» таркибиди

ки, Миша кўп марта мураббий В.Соловёвга мени «Пахтакор»га олиш тўғрисида илтимос қилганди. Бироқ бу режа амалга ошмай қолди.
Шуни таъкидлашни истардимки, у билан интернатда танишган чоғларимизданок ўртамизда жуда илқ муносабатлар мавжуд эди, Михаил футболда катта чўқиларни забт этган пайтларида ҳам унинг харақтери асло ўзгармади. У ҳамон илгаригидек кишиларга яхшилик истовчи, хайрихоҳ бўлиб, баъзи машҳур спортчиларга хос бўлган тақабурлик ҳолатлари унга мутлақо ёт эди.
Миша Ан билан бирга ўтказган ўсмирлик чоғларим мен учун унутилмас хотираларга айланган. Мен Ўзбекистоннинг буюк спортчиси, энг муҳими, самимий ва ғамхўр киши билан яқин муносабатларда бўлганлигим ва дўстлашганлигимдан жуда хурсандман, фахрланаман».

«УМИД» ТАН ОЛДИ

Ўзбекистонга қайтгандан сўнг ноябр ойида Михаил Россия, Украина, Белоруссия, Москва, Ўзбекистон ва «Меҳнат резервлари» жамияти терма жамоалари ўзаро баҳслашган «Умид» кубоги турнирида иштирок этди. Унда Сергей Арутюков Ўзбекистон терма жамоасига мураббийлик қилди.
Беллашувлар «Пахтакор» стадионида ўтказилди. Мусобақа якунларига кўра учта команда бир хил миқдорда очко жамгарди ва турнир шартларидан келиб чиққан ҳолда киритилган ва ўтказиб юборилган тўпларнинг энг яхши нисбатига мувофиқ Россия терма жамоаси голиб бўлди ва унга «Умид» кубоги топширилди. Иккинчи ўринни Украина, учинчи ўринни эса Ўзбекистон команди эгаллади. Барча чизиклар бўйича энг яхши ўйинчилар ҳам аниқланди. Михаил Ан турнирнинг энг яхши ярим химоячиси бўлди. Бу ёш футболчи маҳоратининг биринчи марта жиддий тан олинishi эди.
1970 йили 18 ёшли Михаил Ан бошидан мурраккаб даврни кечиратган собиқ «Политодел» жамоаси таркибига қабул қилинади. Дастлабки пайтларда жамоа зона етакчилари қаторида бўлди, бироқ у мавсумни яхши якунлай олмагани ҳолда турнирда еттинчи ўринни эгаллади. Михаил учун бу усталар жамоасидаги биринчи мавсум ҳамда узоқ давом этувчи турнирда дастлабки машғулотлар эди.

ХОРИЖГА САФАР

Октябр ойида КХДР пойтахт Пхеньянда ўсмирлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди ва эндиликда собиқ «Политодел» жамоасининг футболчиси сифатида

ISHONCH
Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Муассис: **Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**
Тахрир хайъати: **Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорин Алимқужаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.**
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
Телефонлар: **Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.**
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш - 22.35
Маълумот: **700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134**
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г — 819, 1 2 3 4 5 6